



O'QIGAN O'QDAN O'ZAR

*Сиёсий фанлар доктори, профессор
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ билан суҳбат*

– Алишер ака, Сиз талай йиллар Европа мамлакатларида Ўзбекистоннинг Фавқулодда ва мухтор элчиси сифатида фаолият юритгансиз. Европа Иттифоқи ва НАТО каби нуфузли тузилмаларда ҳам юртимизни тамсил этгансиз. Қолаверса, Президент Давлат маслаҳатчиси, Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари каби масъулиятли лавозимларда ишлаб, сиёсат қозонида обдон қайнагансиз. Бугун ҳам сиёсатшунос олим, дунёбохабар зиёли, қолаверса, ёзувчи сифатида жаҳонда кечаётган воқеа-ҳодисаларни зийрак нигоҳ билан кузатиб бораётирсиз. Кейинги йилларда олам нотинчу бесаранжом бўлиб қолгани, қурраи арзнинг турли минтақаларида давом этаётган уруш ва фитналар минглаб инсонларнинг ёстиғини қуритаётгани хавотирли саволлар туғдиради. Наҳотки, одамзод дарё-дарё оқаётган қондан сабоқ чиқармаса?! Наҳотки, юксак минбарларда тинчлик ҳақида янграётган даъвату чақириқлар авом кўзини бўяш учунгина бўлса?! Сизнингча, Одам фарзандлари қачон бир-бирига қурол ўқталишдан тийилади? Ер қуррасида қирғинбаротларни тўхтатиш учун нима қилмоқ керак?

– Саволингизга жавоб тариқасида жилд-жилд китоб ёзса бўлади. Бундай залворли масалаларни битта суҳбатда ечиш амримаҳол экани боис айрим жиҳатларнигина шарҳлаб ўтаман.

Олис ва яқин ўтмишга назар солиб кўрайлик, мамлакатлар, миллату элатлар ўзаро урушмаган давр бўлганми? Менимча, тарих бундай саодатли даврни кам кўрган. Хўш, ўтган асрлар мобайнида инсоният табиати ва тафаккурида туб ўзгаришлар содир бўлдимиди? Тўғри, одамзод янги илм йўналишларини очди, фаннинг юксак чўққиларини забт этди, аммо унинг дунёни идрок қилиши, яъни табиати буткул ўзгариб кетгани йўқ. Шундай экан, инсоният нега урушлардан ҳали-ҳамон воз кечмади, дея ҳайрон бўлмаган маъқул.



Масалага бошқа томондан қарасак, ҳаёт фақат қирғину қон тўкишлардан иборат эмаслиги аён бўлади. Хайриятки, инсон феъл-хўйида эгоизм – худбинлик билан бирга альтруизм – ўзгалар манфаати учун жон куйдириш хислати ҳам бор. Киприкдаги ёшдек қалқиб турган дунёнинг айрим минтақаларида урушлар давом этаётганини рад этиб бўлмайди. Аммо инсонлар ва мамлакатлар ўзаро ҳамкорлик қилаётгани, муаммоларни ечишга уринаётгани ҳам айтиш ҳақиқат. Сирасини айтганда, мен дунё уруш домида қолди, дея вазиятни қоп-қора бўёқда тасвирламаган бўлар эдим. Инсониятга азалдан йўлдош бўлиб келган икки жиҳат – рақобат ва ҳамкорлик ҳозир ҳам барча соҳаларда, жумладан, халқаро муносабатларда пойдор.

Не-не минтақаларни остин-устун этаётган урушлардан қандай халос бўлиш мумкин, деб савол қўймоқдасиз. Бу жумбоқни ечиб, Одам фарзандларининг мушкулени осон қиладиган валламат бормикан ёруғ оламда?!

Оддий механик ҳаракат қонунлари у қадар мураккаб эмас. Масалан, иккита бильярд тоши бир-бири билан қай тарзда тўқнашишига қараб уларнинг ҳаракат йўналишини айтиб берса бўлади. Лекин иккита инсон манфаати ёки характерининг тўқнашуви нимага олиб келишини олдиндан айтиб бериш иложи борми? Йўқ, албатта. Негаки, одамзод ўта мураккаб мавжудот. Жамиятни, давлатни таҳлил этсак, аҳвол янада чигал экани маълум бўлади. Оламда юз бераётган жараёнларга минглаб, балки миллионлаб омиллар таъсир этади. Ҳозиргача ҳеч ким халқаро сиёсатда эртага нима юз беришини айтиб бера олмаган. Хуллас, уруш ва тинчлик масаласида айрим мулоҳазаларни билдиришим мумкиндир, аммо ихтилофларни илдизи билан йўқотиш йўлини каминангиз билмайди. Менимча, буни биладиган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Бундан ижтимоий-сиёсий соҳада изланишлар олиб бориш-

дан наф йўқ, деган хулоса чиқмайди. Изланишларга эҳтиёж катта. Аммо бу соҳа ўта мураккаблигини англашимиз ва юзаки хулосалардан йироқ бўлишимиз керак, назаримда.

Ер юзида уруш оловини ёқиб, унинг тафтида исинишни кўзлаган кучлар бор, албатта. Аммо, шукрки, тинчликпарвар, тараққийпарвар кучлар ҳам етарли. Куч фақат ҳарбий қудрат ва қуролда эмас. Мустамлакачиларга қарши куч ишлатмаслик ғоясини илгари сурган Маҳатма Гандини эсланг. Ўша даврда Гандининг мустақилликка қуролсиз эришиш ғояси хомхаёл дея баҳоланиб, ўзи маломатларга қолмаганмиди! Аммо ана шу ушоққина жуссали зот “қилич дамидай ингичка” (Ганди таъбири) тинчлик йўлидан оғишмасдан улкан империяга қарши туриб, юртини мустақиллик йўлига олиб чиқа олди-ку!

Илгари жаҳонни жуда тор давра – подшоҳлар, императорлар ва уларнинг хос аъёнлари идора этган. Ҳозир эса катта сиёсатга таъсир этувчи омиллар талайгина ва уларнинг сони ортиб бормоқда. Сиёсий жараёнларга оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, нодавлат ташкилотлар, умуман, жамоатчилик фикрининг таъсири катта бўлмоқда ва бу келажакда янада кучаяди. Демак, бугун ижтимоий-сиёсий вазиятга ҳар бир одам баҳолиқудрат таъсир ўтказа олади.

Виндсерфинг – тўлқинни жиловлаш машқларини кузатганмисиз? Абжирлар катта-катта пўртаналарни бўйсундиришга интилади. Бу спорт тури билан эндигина шуғулланаётганлар эса кичик тўлқинларни жиловлашга қаноат қилади. Бугун жаҳон сиёсат уммони ақл бовар қилмас улкан долғалардан кўпириб-тошяпти. Ҳар бир шахснинг жамиятда барқарорликни таъмин этиш борасида муайян масъулияти бор. Ана шу масъулиятни теран англаб, ҳар биримиз жамиятни ривожлантириш, жумладан, урушларнинг олдини олишга бақадриҳол ҳисса қўшишимиз – кичикроқ бўлса-да, ўз тўлқинимизни жиловлашга ҳаракат қилишимиз зарур. Кимгадир баландпарвоз гап бўлиб туюлар, аммо ҳар бир инсон ўз масъулиятини теран англаса, оламни гулистон этиш мумкин!

– Бир неча ой аввал интернетда мамлакатимиз туманларидан бирининг ҳокими мактаб директорларига қўл кўтаргани акс этган видео тарқалди. Муштумзўр амалдорнинг қилмиши одамлар ёдидан кўтарилмасдан бошқа бир ҳокимнинг катта машваратда ёши улуғ инсонларга илон ҳам нўст ташлайдиган ҳақоратлар ёғдиргани маълум бўлди. Халқ ва давлат ишонч билдирган амалдорларнинг бундай хурмача қилиқлари на қонунга, на

ахлоққа тўғри келиши ҳақидаги мақолангизни Gazeta.uz сайтида ўқидик. Албатта, зикр этилган бу икки ҳолатда амалдорларни асло оқлаб бўлмайди. Аммо уларнинг шу даражага тушишига “Ўйнашмагил арбоб билан – арбоб урар ҳар боб” билан дея, ҳатто қадр-қимматимиз поймол этилган ҳолларда ҳам мум тишлашга одатланганимиз сабаб эмасми? Бугунги воқелик аввал чор Русияси, кейин эса собиқ Иттифоқ таркибида бўлган мамлакатлар мустақилликка эришганига чорак аср тўлса-да, ҳамон постколониал тафаккур, мутелик ҳиссидан халос бўла олмаётганини кўрсатяпти. Муштумзўр ва сўконғич раҳбарлар қаршисида қўл қовуштириб туриш ҳам ўша постколониал тафаккурнинг аччиқ меваси бўлса ажаб эмас. Сизнингча, қон-қонимизга сингиб кетган бу иллатдан қандай халос бўлиш мумкин?

– Ушбу салбий воқелик сабабларини колониал ва постколониал омиллардан изламаган бўлардим. Мен, биринчи навбатда ўзимизга, жамиятимизга, ижтимоий тафаккуримизга назар ташлаш, замонавий қонунчилигимизга нечоғли амал қилаётганимизни холис баҳолаш керак, деб биламан. Афсуски, сиз зикр этган иллат бошқарув тизимига, ҳатто зиёлилар даврасига қадар кириб борди. Яқинда пойтахтимиздаги олий ўқув юртларидан бирининг проректори ўқитувчи ва талабалар иштирокидаги катта йиғилишда уялмасдан ҳақоратли сўзларни тилга олганини эшитдим. Аслида, бундай нохуш ҳолатларга барчамиз ҳам гувоҳ бўлганмиз, шундай эмасми? Наҳот инсон ғурурини, шахс қадриятини поймол қилиш қон-қонимизга сингиб кетган бўлса? Йўқ, мен бундай деб ўйламайман.

Яқин ўтмишни олайлик. Менинг отам бир замонлар “Қизил Ўзбекистон” газетасида Шароф Рашидов билан бирга ишлаганлар. Отамнинг хотирлашича, у кезларда анча ёш бўлган Шароф Рашидов мураккаб вазиятларда ҳам ўзини сипо, вазмин тутта билган, бирор марта овозини кўтармаган ва ходимлар у бировни ҳақорат қилишини ҳатто тасаввурига ҳам сиғдирмаган. Шароф Рашидов кейинроқ республика раҳбари бўлганида ҳам тили ёки қўлига эрк бермаган. Демак, муштумзўрлик ва сўконғичлик бизнинг бошқарув маданиятимизга хос, деган қараш тўғри эмас.

Жамиятимизда азал-азалдан ўзаро ҳурмат, ширинсуханлик ва хушмуомалалик алоҳида қадрланган. Бу нафақат бошқарув услуби, балки миллий маданиятимизга хос. Асрлар чиғириғидан ўтган одоб-ахлоқ меъёрлари инсон шаънини оёқости қилиш, бировга қўл кўтаришга изн бермаган.

Афсуски, “бизнинг шароитда бошқача ишлаб бўлмайди-да”, дея раҳбарларнинг муштумзўрлигини оқлашга уринадиганлар ҳам топилади. Аҳвол шу даражага етдики, инсон кадр-қиммати поймол бўлганини кўрганда ҳам “оч қорним – тинч қулоғим” дея сукут сақлашга одатландик. Ҳолбуки, бу иллат билан асло муроса қилиб бўлмайди. Негаки, муштумзўрлик бизни яна узоқ ўтмишга қайтаради, тараққиётимизга тушов бўлади, инсонийликдан маҳрум этади.

“Одамлар яхши гапни тушунмаса уларни қандай бошқариш мумкин?” деб сўрайди ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларидан бири. Қаттиққўллик ва талабчанликни қўполлик билан чалкаштирмаслик керак. Албатта, раҳбар кези келганда қаттиққўллик билан иш юритиши мумкин. Аммо бу қўпчиликка бош бўлган одам қўл остидагилар шайнинг оёқости қилиши мумкин дегани эмас. На ишда, на уйда, на олий ўқув юртида, на мактаб-боғчада, на жазо муассасаларида инсон кадр-қиммати поймол этилишига йўл қўйилмаслиги лозим. Раҳбарнинг кучи – унинг профессионал хислатларида, етакчилик ва ташкилотчилик қобилиятида ҳамда инсоний фазилатларидадир. Бошқарув санъатини пухта ўзлаштиролмаган раҳбаргина қўли ё тилига эрк беради.

Очиғи, жамоатчилик раҳбарларнинг муштумзўрлиги ва оғзидан хунук сўзлар чиқишига кўникаёзган эди. Аммо вазият бундай давом этиши мумкин эмас! Конституциямиз ва қонунларимизда инсон кадр-қимматини поймол этиш қатъий тақиқланган. Бу иллатга қарши курашиш учун, аввало, аҳоли ҳамда раҳбарларнинг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш керак. Бундай “касал”га чалинган раҳбарларнинг қилмиши кенг жамоатчилик орасида муҳокама этилиши, наинки маъмурий ёки жиноий, балки маънавий таъзир чоралари ҳам кўрилиши зарур. Айни чоқда, давлат ҳар жиҳатдан ибратли раҳбарларни тарбиялашга эътибор қаратиши лозим.

Бугун бизга масъулиятни дадил зиммасига оладиган, билимли, дунёқараши кенг, маданиятли, ҳуқуқий онги кучли, қатъиятли, бир сўз билан айтганда, замонавий раҳбарлар керак. Барча жабҳаларда шиддатли рақобат кечаётган ҳозирги даврда раҳбарлар зиммасидаги масъулият ва уларга қўйилаётган талаблар кучаймоқда. Турли бўғиндаги раҳбарлар нафақат етакчилик қобилияти, одоб-ахлоқи ва муомала маданияти билан ҳам ўрناк бўлиши лозим. Зеро, муомала, одоб-ахлоқ маданиятимизнинг муҳим мезонларидандир.

Барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида модернизация жараёни кечаёттир. Менимча,

жамиятнинг барча соҳалари каби бошқарув тизимида ҳам илғор тажрибаларни қўллаш, замонавий тамойиллар ва кўҳна қадриятларимизни омихта этган ҳолда янги идора усулини шакллантириш лозим.

– Бундан тўрт йилча аввал сиёсатшунослик фани мамлакатимиз олий таълим даргоҳлари ўқув дастуридан чиқарилиб, ушбу йўналишда илмий ишлар ҳимояси ҳам тўхтатилган эди. Яқинда ушбу соҳа бўйича илмий ишлар ҳимоясига рухсат берилди, лекин, билишимизча, мазкур фан университетлар ўқув дастуридан қайта жой олганича йўқ. Дунёнинг нуфузли таълим даргоҳларида маърузалар ўқиган, шу соҳада “сочи оқарган” олим сифатида айтинг-чи, мамлакатимизда сиёсат илмига талабу эҳтиёж камроқми?

– Инсонни “сиёсий мавжудот” деб атаган Аристотель юз карра ҳақ эди. Жамиятни сиёсий муносабатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсон, жамият ва давлат борки, сиёсат бор. Хўш, жамиятда, давлатда қандай жараёнлар кечмоқда? Жамият ва давлат қай йўлдан юриши керак? Давлат тизими қандай бўлиши лозим? Бошқарувда қай усулни қўллаган маъқул? Халқаро сиёсатда нима гап? Давлатлараро муносабатни қай тарзда олиб боришимиз керак? Сиёсатшунослик шу каби долзарб масалаларни тадқиқ этади. Жаҳонда мазкур йўналишга талаб ниҳоятда юқори. Сиёсий жараёнлар тобора мураккаблашиб, янгидан-янги таҳдидлар пайдо бўлаётган ҳозирги даврда сиёсий билимларга талаб-эҳтиёж янада ошиши шубҳасиз.

Сиёсат илмини ўқитиш бўйича хориж тажрибасига мурожаат этсак. Маълумотларга қараганда, ҳозир АҚШ университетлари сиёсатшунослик бўйича 632та, Буюк Британия олий ўқув юртлари эса 324та бакалаврлик дастурларини таклиф этаётир. Аслида, ялпи кўрсаткич бундан-да юқори.

Бу йўналишда таҳсил олган мутахассислар ишсиз қолиб кетаётгани йўқ. Улар ижроия ва қонун чиқарувчи идоралар, сиёсий партиялар, тадқиқот марказлари, трансмиллий компаниялар, олий ўқув юртлари ва оммавий ахборот воситаларида фаолият юритяпти. Дунёдаги ўнлаб давлат ва ҳукумат бошлиқлари, атоқли дипломату депутатлар айнан шу йўналишда таълим олгани маълум.

Ҳозирги кунда сиёсатшунослик илми фалсафа, тарих, социология, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, психология, филология ва бошқа фан соҳалари билан уйғунликда равнақ топяпти. Масалан, Оксфорд университетида 1920 йилдан буён “Фалсафа, сиёсат ва иқтисодиёт” (PPE – Philosophy, Politics and Economics) йўналиши-

да сабоқ берилади. Камина ҳам докторлик диссертациямни сиёсатшунослик ва психология туташган йўналиш – сиёсий психология бўйича ҳимоя қилганман.

Масалан, Лондон иқтисодиёт ва сиёсий фанлар мактаби (London School of Economics and Political Science) дунёга машҳур таълим масканларидан саналади. Ушбу олий мактаб битирувчилари орасидан 50дан ортиқ давлат ва ҳукумат бошлиғи, кўп-лаб Нобель мукофоти соҳиблари етишиб чиққан.

Дарҳақиқат, 2013 йили сиёсатшунослик фани университетларимиз ўқув дастуридан чиқариб юборилган эди. Буни узоқни кўзлаб қабул қилинган қарор деб бўлмайди. Негаки, мамлакатимизда сиёсий таҳлилга талаб-эҳтиёж мавжудлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Менимча, мазкур йўналишни олий таълим дастурига қайтариш вақти аллақачон келган ва бу хайрли ишни ортга сурмаслик керак. Соҳадаги камчиликларни бартараф этиш лозим, албатта. Тизимда юқори малакали мутахассислар ишлаши, таълим сифати халқаро стандартларга мувофиқ бўлиши ҳам муҳим. Олий таълим вазирлиги эртами-кечми мамлакатимиз стратегик манфаатларига уйғун оқилона қарорга келади деган умиддамиз. Кун келиб олий ўқув юртларимиз қайси предметларни ўқитиш масаласини вазирликнинг аралашувисиз мустақил ҳал этишига ҳам ишонаман.

Сиёсатшунослик йўналиши кеча пайдо бўлиб қолгани йўқ. Мутафаккирлар азалдан давлатни идора этиш усуллари тадқиқ этган. Бу борада Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”си ёки “Темур тузуклари”ни эслаш kifоя. Юртимиз бугун янги тараққиёт босқичига қадам қўйди, мамлакатни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Бу жараёнда эса сиёсий тадқиқот ва изланишларга эҳтиёж янада ортади.

Таъкидлаш жоизки, сиёсатшунослик – мафкура соҳаси сифатида эмас, илмий йўналиш, мустақил фан сифатида тараққий этиши лозим. Давлат ва жамият ана шунда ютади.

– Чепмен университети АҚШ фуқароларини нима хавотирга солишини аниқлаш мақсадида ижтимоий сўров ўтказибди. Сўровда иштирок этганларнинг кўпчилиги коррупция балоси, соғлиқни сақлаш тизимида имтиёзларнинг бекор қилиниши ҳамда океан, қўл ва дарёларнинг ифлосланишидан хавотирини изҳор этган. Сизни илмий жамоатчилик нафақат сиёсатшунос, психолог олим ҳам деб билади. Агар Ўзбекистонда ана шундай сўров ўтказилса, юртдошларимиз қай масалаларни тилга олган бўларди, деб ўйлайсиз? Ўзингизни-чи, шахсан Сизни нима ташвишга соляпти?

– Чепмен университетининг ушбу тадқиқотидан беҳабар эканман. Юртимизда шундай сўров ўтказилса қандай жавоб берилиши борасида бир гап айтишим қийин, бунинг учун тадқиқот ўтказиб кўриш керак-да. Қолаверса, жавоблар респондентларнинг ижтимоий мавқеи, ёши, моддий аҳволи, билим даражаси ва маданий савиясига кўра фарқланиши табиийдир.

Ўзимга келсак, кўп йиллар университет тизимида ишлаб келаётган инсон сифатида фан, таълим ва технология соҳасида дунёдан ортда қолиб кетмасак эди, дея ташвишланаман. Бугун дунё илм-фани ва ахборот технологиялари жаҳҳосида инқилобий ўзгаришлар рўй беряпти, кўпгина мамлакатлар бу соҳалар ривожига маблағни аямай, бутун дунёдан қобилиятли ва билимли мутахассисларни жалб қиляпти. Халқаро миқёсда мувафаққиятга эриша оладиган битта спортчини тарбиялаш учун каттагина моддий ва маънавий ресурслар, ташкилий чора-тадбирлар талаб этилади. Жаҳон даражасига чиқа оладиган пешқадам бир олимни камолга етказиш учун эса ундан ҳам кўп саъй-ҳаракат ва маблағ зарур. Аввало, етакчи илмий раҳбар ва олимлар, тадқиқот мактаблари, яхши жиҳозланган лабораториялар, бой илмий адабиёт ва манбалар лозим. Қолаверса, бунинг учун узоқ йиллар мобайнида қунт билан билим олиш, халқаро анжуманларда иштирок этиш, жаҳондаги нуфузли илмий журнал ва нашриётларда мақолаю китоблар чоп қилиш талаб этилади.

Интеллектуал соҳада рақобат шиддатли тус олаётганига гувохмиз. Бу борада ривожланган ва ривожланиш йўлига кирган давлатлар орасидаги фарқ эса ер билан осмонча! Хўш, биз-чи, эртага жаҳоний рақобатга дош бера оламизми? Юртимизда таълим сифати халқаро стандарт ва талабларга нечоғли уйғун? Мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олишга иштиёқманд хорижликлар сони кўпми? Фан ва таълим равнақи йўлида катта маблағ сарфлашга тайёрмизми? Ёшларни илм-фанга қай тарзда қизиқтира оламиз? Умуман, тараққиёт карвонидан ортда қолмаслик учун нима қилиш керак? Бу каби долзарб саволларга аниқ жавобимиз бўлиши, бу борада стратегик дастурлар ишлаб чиқишимиз керак. Мамлакат келажагини аҳолининг интеллектуал салоҳияти белгилашини унутмаслигимиз лозим.

– Кейинги йилларда ул-бул илинжда зўрма-зўраки шеър уқуш, мақолаю бағишлов ёзишга киришиб кетган ижодкорлар ватан, ватанпарварлик тушунчаларининг қадрини тушириб, оҳорини тўкиб қўйгандек. Боз устига, виртуал оламни кузатсангиз, ғариб бир ҳолнинг гувоҳи бўласиз. Интернетни макон тутган бир гуруҳ

“ватанпарварлар” (аслида, бундай тоифа реал ҳаётда – ён-атрофимизда ҳам бор) жамият тараққиётига тушов бўлаётган айрим муаммолардан гап очган юртдошларимизни “ватангадо”дан олиб “ватанфуруш”га солади. Улар қисмат шамоли дунёнинг турли ўлкаларига олиб бориб қўйган, турли касбу кор ортидан хорижий элларда қадр топган миллатдошларимизни ҳам ватанпарварлик рўйхатида тиркагиси келмайди...

– Ватанпарварликни тарбиялаш долзарб масала бўлиб, бу жараён пишиқ-пухта ўйланган ҳолда йўлга қўйилиши керак. Мен ватанпарварман дея бутун дунёга жар солиш билан бунга эришиб бўлмайди. Кундалик ҳаётда сидқидилдан меҳнат қилиб, юрт равнақига ҳисса қўшаётган одам – чинакам ватанпарвар. Қолаверса, чет элда яшаб ҳам ватанпарвар бўлиш, юрт корига яраш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрда АҚШ-га сафари чоғи мазкур мамлакатдаги ўзбеклар билан учрашуви зеҳниятимиздаги айрим эскича қарашларни ўзгартирган бўлса ажаб эмас. Хориждаги ўзбекистонликларга нисбатан “биз билан эмасми, демак, биздан эмас” қабилида муносабатда бўлаётганлар ҳозир ҳам бор. Бутунлай янглиш қараш бу! Мана, яқинда профессионал боксга ўтишга қарор қилган Шаҳрам Ғиёсов Америкага йўл олибди. Спортчимиз қозонажак ғалабалар Ўзбекистоннинг ҳам ғалабаси эмасми? Ёки бошқа бир юртдошимиз – шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов гарчи Германияда яшаса-да, Ўзбекистон фарзанди сифатида юрт обрўсига обрў қўшиб келяпти. Дунё ўзгариб кетди, глобаллашув жараёни нафақат жаҳондаги тартиботларга, оддий одамларнинг ҳаёт тарзига ҳам ўз ҳукмини ўтказяпти. Эркин саёҳат қилиш, касбий камолот учун қулай шароит яратилган мамлакатларда ишлаш одатий ҳол сифатида қабул қилиниши лозим. Жаҳоннинг қайси мамлакатада яшашидан қатъи назар, Ўзбекистонни ардоқлаб, унинг ривожига қўлидан келганча кўмак бераётган юртдошларимиз ҳам ватанпарварлардир.

Дунёнинг пешқадам университетларида таҳсил олаётган, нуфузли халқаро ташкилот ёки трансмиллий компанияларда муваффақиятли фаолият юритаётган, хорижда фан, тиббиёт, санъат, бизнес соҳаларида ютуқларга эришаётган инсонлар туғилиб ўсган юртининг маънавий бойлиги саналади. Хорижий элларда бундай инсонлар эъзозланади, уларнинг ютуқларидан бутун мамлакат қувонади. Бир танишим айтиб берган эди, ҳиндистонлик бирор олим Кембриж ёки Оксфорд университети профессори лавозимига тайинланса, мамлакатда унинг шарафига тўп отилар экан.

Ватандошлар ютуғидан ғурурланишга нима етсин, аммо мамлакат манфаати учун бугина кифоя эмас-да. Хориждаги юртдошлар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларнинг хайрли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ватанга бемалол келиб кетишларига имкон яратиш ҳам муҳим. Мутараққий дунёда шундай йўл тутилмоқда. Масалан, Япония университетларининг АҚШда фаолият юритаётган ватандош олимлар учун махсус дастурлари бор. Ушбу дастурлар бўйича, америкалик бўлиб кетган япон профессорлари тарихий ватанига бориб, талабаларга сабоқ беради, ҳамкорликда тадқиқот олиб боради. Хитой ҳукумати ҳам Ҳарвард университети профессори Яу Шинтунни Пекин ва Ҳонконгдаги математика институтларини ўриндошлик асосида бошқаришга таклиф этган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Аксар миллатдошларимиз қариндошлик ва бошқа ришталар орқали киндик қони тўкилган заминга мустаҳкам боғлангани маълум. Улар хорижда яшаса-да, Ўзбекистондаги ўзгаришларни кузатиб боради, юртига қайишади, қариндош-уруғ, дўст-ёр билан алоқани узмайди. Ўзбекистон Президентининг Нью-Йоркда ватандошлар билан учрашгани эса уларга кучли маънавий далда бўлди.

Бу “ақлларнинг сизиши”га, яъни интеллектуал салоҳияти баланд йигит-қизларнинг хорижга кетиб қолишига сабаб бўлмай-дими, деган савол туғилиши мумкин. Йўқ, менимча, бундай бўлмайди. Аввало, халқаро миқёсда ютуқларга эришган ватандошимиз минглаб ёшларни руҳлантиради ва тез фурсатда унинг ўрнини босадиган янги-янги истеъдодлар етишиб чиқади. Қолаверса, ҳозирга қадар бирон бир мамлакат маъмурий чоралар, дейлик, хорижга чиқишни тақиқлаш воситасида малакали мутахассисларнинг чет элга кетиши олдини ололгани йўқ. Бу жараёни тўхтатишнинг энг мақбул йўли мамлакатда ёшларнинг ва юқори малакали мутахассисларнинг ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун қулай муҳит ва шароит яратишдан иборатдир.

Собиржон ЁҚУБОВ суҳбатлашди.